2015 йил 11 апрель, шанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (12.898)

Баҳоси эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

**Тошкентда 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигини қайд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисини ёпиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз давлатимиз сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Сайловчилар ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

**(ЎзА)**

## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

***Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.***

Жумладан:
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби – **Пан Ги Мун**
Япония Бош вазири – **Шиндзо Абэ**
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти – **Йоахим Гаук**
Франция Республикаси Президенти – **Франсуа Олланд**
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти – **Чионг Тан Шанг**
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти – **Абдулазиз Бутефлика**
БМТ Тараққиёт дастури маъмурияти раҳбари – **Ҳелен Кларк**
ЮНЕСКО Бош директори – **Ирина Бокова**
Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби – **Кунио Микурия**
Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси – **Кэролин Лэмм**
Америка – Ўзбекистон савдо палатаси президенти – **Стивен Надерни**
«Германия – Ўзбекистон» жамияти вице-президенти – **Петер Шпари**
Сайловларни кузатиш бўйича Европа академияси президенти – **Стеф Горис**
табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Азиз ватандошлар, муҳтарам Олий Мажлис депутатлари!

Қадрли меҳмонлар!

Аввало, сиз, ҳурматли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланишимга ўз ишончини билдирган юртдошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларимга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, ҳаммангизга соғлик-омонлик, бахт-саодат тилайман, қалбимдаги энг эзгу орзу-тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Менга билдирилган ишончни ўзим учун аввало улкан масъулият ва катта шараф деб биламан ва яна бир бор айтмоқчиман – бундай юксак, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган халқ ишончини оқлашга, бажо келтиришга бутун борлиғимни сафарбар қиламан.

Қадрли дўстлар!

Биз эски, ўзини оқламаган мустабид, зўравон тузумдан бутунлай воз кечиб, тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, биз учун янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиб, амалга ошираётган қатъий ўзгариш ва ислоҳотлар натижасида **бугун эришаётган юксак марра ва ютуқларимизни ҳеч ким инкор этолмайди.**

Буларнинг асосий омили ва мезони сифатида, ҳеч шубҳасиз, биз танлаган ва дунёда «ўзбек модели» деб ном олган, машҳур беш тамойил – принципга асосланган, тадрижий – эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу моделнинг афзаллиги ва бугун ўзини бутунлай оқлаганини Ўзбекистонга хос бўлган турли табиий, тарихий, миллий, демографик ва экологик хусусиятларни тўла ҳисобга олганида кўрамиз.

Мисол учун, қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу соҳада аренда – ижара мулкига асосланган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берганимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганимиз эвазига бу ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, яқин тарихимизда ўчмас из бўлиб қолади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Фермер хўжаликларимиз бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафақат 90-92 фоизини ишлаб чиқармоқда, балки қишлоқ ҳаётининг тараққиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Ёки бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолимизнинг 75-77 фоизи бу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, кўп нарсадан далолат берадиган аҳа шундай кўрсаткич ва рақамлар биз олиб бораётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, эртанги кунимиз, **тараққиётимиз йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиши муқаррар.**

Шуни тўлиқ асос билан айтишимиз мумкин – айни шу каби ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобидан биз Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Яъни, охирги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб келаётгани ва 2015 йилда ҳам – шунга ишончимиз бор – бундан кам бўлмаслигини инобатга олсак, барча нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Бундай ютуқларнинг сабабларини биз аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамиз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, **мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир.**

Аммо шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, бир аччиқ ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимизни истар эдим. Агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин.

Биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат ва интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бунинг устига, жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётгани, рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётгани, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани **барчамиздан аввало бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишни талаб қилади.**

Шу борада амалга ошираётган ишларимиз қаторида ҳаётимизни кескин ўзгартираётган демократик ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамизга айланмоқда, десам, янглишмаган бўламан.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, биз учун тўсиқ бўлиб турган, эски мустабид тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш ва бугун ҳамон ўз ечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал қилишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислоҳотларни янги, юксак босқичга кўтариш – айтиш мумкинки, бу соҳаларда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини таъминламасдан туриб, яъни, ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилмасдан, технологик ва техник нуқтаи назардан янгиламасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул қилмайди.

Бу ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам эртанги кунни, келажак истиқболимизни ўйлайдиган бўлсак, бугун иқтисодиётимизда амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларни, **аваламбор, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, янги, замон талаб қиладиган даражага кўтариш масаласини ҳал қилмасдан туриб, очиқ айтишимиз керак, биз ўз мақсадларимизга – тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтарилишимиз ҳақида гапиришнинг ҳожати қолмайди.**

**Биринчи навбатда Конституциямизда муҳрлаб қўйилган кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш – биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор**.

Айтиш керак – ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асос ва кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш бўйича кўпгина ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Лекин, минг афсуски, хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан устуворлиги барчамиз учун аён бўлишига қарамасдан, бу йўналишда амалга ошираётган ишларимиз, **аввало, мулкдорларга эркинлик бериш масалалари тўла ечилмаяпти, ўзининг кутилган самарасини бермаяпти.**

**Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз даркор.**

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа – маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб қолаётган ҳар қандай шаклларидан воз кечиб, давлат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги вазифа ва ваколатларни аниқ белгилаб қўйишимиз, савдо операцияларини, чакана савдодан ташқари, асосан биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимиз керак.

Шулар қаторида корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолиятига ҳам кўпгина хорижий фирма ва компаниялар тажрибаси асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни кўрсатадики, **Ўзбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлиши мулкчиликнинг энг маъқул, самарали, ўзини оқлаётган йўлидир.** Бунинг афзаллиги шундаки, хорижлик акциядорлар – муассислар қўшма корхоналарга аввало илғор, юқори технологияларни олиб келиш билан бирга, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий этади.

Шу аснода биз хорижий давлатлар ва компаниялар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун очиқлигимизни билдириб, бу борада янги йўл ва имкониятлар очиб беришга тайёрмиз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ва 2015 йил ҳамда келгуси йиллар учун белгилаб олган айни шундай ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини давом эттиришимиз, ҳеч шубҳасиз, давлат бошқаруви таркибини ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янги босқичга кўтаришга, жаҳон миқёсида Ўзбекистонимизнинг муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Қадрли дўстларим, юртдошларим!

Рухсатингиз билан яна бир ўта муҳим ва барчамизни ўйлантирадиган масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Яъни, бугунги кунда барчамиз қандай ўта таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган, турли хавф-хатарларни олиб келиши мумкин бўлган замонда яшамоқдамиз.

Айни шундай вазиятни ҳисобга олиб, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини асраш мақсадида биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар билан дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз, деб билишимиз керак.

Яна ва яна бир бор айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан – **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди**.

Бугун яқин атрофимизда вужудга келаётган ўта мураккаб вазиятда айни шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул, деб биламиз. **Илгари ҳам айтганимдек, бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз керак.**

Фурсатдан фойдаланиб, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларга, уларнинг мана шу залда ўтирган вакилларига, барча чет эллик меҳмонларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан ўз табрик ва қутловларини йўллаган барча давлат раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур миннатдорлик билдираман.

**Менга юксак ишонч билдирган она халқимга бош эгиб, яна ва яна бир бор таъзим қиламан.**

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш — мен учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Доимо соғ-омон бўлинглар, қадрдонларим!

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, келажагимиз бўлган навқирон авлодни жисмонан ва маънан соғлом вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Унинг замирида таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, мустаҳкам оила қуриш, соғлом зурриётни дунёга келтириш, ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом камол топиши, замонавий билимларни эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар мужассам.***

**Болалар спорти**

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ

Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу йўналишларда узоқни кўзлаб амалга оширилган изчил ислоҳотларнинг юксак самаралари бугун мустақиллик фарзандлари – ёшларимиз мисолида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик бу жараёнда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ёшларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакатимизнинг барча ҳудудида барпо этилган ва спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, спорт заллари, стадионлар, сузиш ҳавзалари, спортга ихтисослашган мактаблар доимо ўғил-қизлар билан гавжум.

2014 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 163 объект, жумладан, 115 болалар спорти иншооти фойдаланишга топширилди. Ўтган йилда спорт билан мунтазам шуғулланадиган болалар сони 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар ўсди. 2013 йилда қишлоқларда спорт билан шуғулланадиган болалар 43 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йили бу кўрсаткич 54,7 фоиздан ошди.

Бу рақамлар қалбимизни қувончга тўлдириб, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада оширади.

– Болалигимизда жисмоний тарбия дарслари қандай ўтилганини яхши эслайман, – дейди қашқадарёлик Парда Арслонов. – Бирорта ўқувчида на спорт форма, на талабга жавоб берадиган оёқ кийими бўларди. Жисмоний тарбия дарси мактабнинг чоғроққина стадионида тўпни тепишдан иборат эди. Ҳозирги ёшларга ҳавас қилса арзийди. Спорт залларидаги шароитни кўриб, болаларнинг спортга қизиқиши ортади.

2003 — 2014 йилларда Қашқадарё вилоятида 165 болалар спорти иншооти барпо этилган. Бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишларини юртимизнинг барча ҳудудида кузатиш мумкин. Энг қувонарлиси, чекка ҳудудларда ҳам бунёд этилаётган спорт масканларидаги шароитлар шаҳарникидан асло қолишмайди.

– Мактабимизда 430 нафардан зиёд ўқувчи спортнинг волейбол, қўл тўпи, футбол, стол тенниси, кураш каби турлари билан мунтазам шуғулланмоқда, – дейди Косон тумани Мудин қишлоғидаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Анвар Эргашев. – Ўн икки нафар малакали мураббий уларга машғулотлар ўтмоқда.

Эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланадиган болалар жисмонан соғлом бўлиб вояга етади. Шу аснода ёшларимизни баркамол инсонлар этиб камолга етказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш учун катта имкониятлар пайдо бўлади.

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган мақол бор. Болада спортга меҳрни шакллантириш, уни бирор бир спорт турига қизиқишини ошириш учун аввало оилада соғлом муҳит бўлиши керак. Шу боис юртимизда ёш оилалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, айниқса, хотин-қизларни спортга кенг жалб қилиш ишларига доимий эътибор қаратилмоқда. «Соғлом фарзанд – юрт келажаги», «Гимнастика барча учун», «Соғлом аёл – соғлом жамият», «Баҳор маликалари», «Қувноқ стартлар», «Отам, онам ва мен – спортчи оила», «Она соғлом бўлса, фарзанд соғлом бўлади», «Соғлом юрт, соғлом келажак» каби қатор спорт тадбирларининг мунтазам ташкил этилаётгани бунда муҳим аҳамиятга эга.

Биргина «Отам, онам ва мен – спортчи оила» мусобақаси оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, аҳиллик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби фазилатларни сингдиришга хизмат қилмоқда. Мазкур мусобақаларда қатнашган оилаларнинг ҳар бир аъзоси бир тану бир жон бўлиб, ғалаба сари интилади, ҳар бир муваффақиятда ўзининг ҳиссаси борлигини ҳис этади.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан маълум қилишларича, ўтган йили жамғарма томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида қирқдан ортиқ спорт тури бўйича мусобақалар ташкил этилган.

Таълим тизимидаги «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари минглаб ёшларимизнинг орзуларини рўёбга чиқармоқда, пировардида ҳаёт йўлини белгилаб бермоқда. Ушбу мусобақаларда чиниққан ёшларимизнинг жаҳон ареналарда эришаётган улкан ғалабалари мамлакатимиз спорти саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда, бу ҳар биримизга чексиз фахр-ифтихор бағишламоқда.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили**

# ҚАДРДОН МАНЗАРАЛАР, МЎЪТАБАР СИЙМОЛАР

***Бу кўргазмадан ўрин олган картиналардаги тасвирларнинг бари дилга яқин манзаралар, қадрдон сиймолар ҳақида. Маҳалланинг серсоя кўчаси, офтоб тафтидаги супа, шинам ҳовли, чойхонада гурунглашаётган оқсоқоллар, таниш фаввора, ёши улуғ онахон...***



Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб ташкил этилган «Ота уйим, айвонингда изим қолди...» деб номланган кўргазма миллий руҳи, самимиятга йўғрилгани билан томошабинларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Унда таникли мусаввир Қудратилла Ажиметов ижодига мансуб тасвирий асарлар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар юртимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, юксак маънавиятли инсонлар этиб камолга етказишда нуронийларнинг ибратли ва бой ҳаётий тажрибасидан кенг фойдаланиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида ҳам бу борадаги ишларни янада takомиллаштириш, навқирон авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, ҳалоллик каби фазилатларни қарор топтиришда табаррук отахон ва онахонларнинг ўгит ва йўл-йўриқларини тарбия жараёнига кенг татбиқ этишга доир муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Айни жиҳатлар мусаввир Қ.Ажиметов ижодида ўз ифодасини топган. У тасвирий санъатга оид билимларни санъат йўналишидаги олий ўқув юртининг дастгоҳли рангтасвир бўлимида профессор Раҳим Аҳмедовдан ўрганди. Ўқишни тамомлагач, кўп йиллар давомида Тошкент архитектура-қурилиш институтида, сўнгра Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ берди. Қаерда меҳнат қилмасин, мусаввир мудом ижодий изланишда бўлгани эътиборга моликдир.

Рассомнинг ижодида реалистик ва романтик, импрессионизм ва авангардизм каби йўналишлар омухта бўлса-да, миллий руҳи билан томошабин меҳрини қозонган. Шу боис унинг асарлари юртимиз ва хорижда ўтказилган бир қатор кўргазмаларда муваффақият қозонган.

Кўргазмада қадимий шаҳарларимиз, меъморий обидалар, жонажон Ватанимизнинг бетакрор табиати манзаралари, табаррук нуронийлар акс эттирилган олтмишдан ортиқ картина намойиш этилаётир. Айниқса, «Шарқ оҳанги», «Шоҳи Зинда», «Бибихоним – кичик масжид», «Шоҳимардон», «Бувим», «Кайфият», «Остона», «Кичик ҳовли», «Сокинлик» каби асарлар санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Аъло Абдуллаев олган сурат**

# ЛЕКСИКОЛОГИЯНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

***Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамкорлигида улуғ алломаларимиз илмий-адабий меросида лексикология ва лексикографияга оид маълумотлар, анъаналар ва ҳозирги замон илмий мактабларининг ўрни мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.***

Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори А.Маннонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ўзбек тили билан биргаликда шарқ филологиясини ҳам чуқур ўрганиш доимий эътиборда. Бунда олий таълим муассасалари, таржима марказлари, қўлёзмаларни ўрганиш институтларининг ўрни беқиёс. Шу боис ёш олимларни рағбатлантириш, истеъдодини намоён этишига имкон яратиш, соҳа мутахассислари билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш, луғатларни тузишда тилшунос, адабиётшунос ва луғатшунос олимлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда луғатчилик тилшуносликнинг қадимги тури сифатида ўрганилиши, луғатларда фонетика ва фонология, бу борада эришилаётган ютуқлар ва долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Тилларнинг ранг-баранглиги таълим, маданиятлараро мулоқотни равнақ топтириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, – дейди Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими Э.Умаров. – Ҳозирги кунда дунё аҳолиси етти мингга яқин тилда сўзлашади. Бу тилларнинг ҳар бири тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур анжуманда ёш олимлар, мутахассислар турли тилларнинг ривожланиши, хусусан, ўзбек тилининг илдизлари, унинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар олиш, шу билан бирга, тадқиқотлар ҳақида фикр алмашиш имкониятига эга бўлди.

Тадбирда алломалар мероси асосида яратилган илмий-оммабоп видеофильм намойиш этилди. Тил сиёсати, шарқ тилларининг ривожланиш босқичлари, Ўрта асрлар шарқ луғатчилиги, изоҳли луғатларнинг тузилиш хусусиятлари, транскрипция масалалари, фонологик, грамматик тадқиқотлар, ҳозирги замон луғатчилиги каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЭНГ НАМУНАЛИ ХОДИМЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида патруль-пост хизматининг энг фаол ходимларини аниқлашга бағишлаб ўтказилаётган кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.***

Мамлакатимиз йилдан йилга равнақ топиб бормоқда. Қай бир соҳага қараманг, катта ютуқ ва муваффақиятларга эришилаётганини кўрасиз. Бундай ютуқларнинг асосий сабаби юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикдир. Зеро, тинчлик ва хотиржамлик бор жойда юксалиш, тараққиёт бўлишини тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, генерал-майор М.Одилов ва бошқалар алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Юртимиздаги осойишталикни таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, жамоат тартибини сақлаш, турли жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда патруль-пост хизмати ходимлари муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш Концепцияси тўғрисида»ги қарорига асосан Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси ташкил этилганди.

Ўтган йиллар мобайнида осойишталикни сақлаш, халқимизнинг тинч ҳаёт кечириши йўлида мазкур соҳа ходимлари томонидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Ходимларнинг касб маҳоратлари ва билим савияларини ошириш, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги хизмат самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳримиз туманларида профилактика инспекторлари йўл-патруль хизмати ходимлари ҳамда маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Кўрик-танлов иш фаолиятида юқори натижаларга эришган, ўзининг фидойилиги, жонкуярлиги, касбига бўлган масъулияти билан бошқаларга ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш ва уларнинг тажрибасини оммалаштириш мақсадида ташкил этилди. Унда «Намунали патруль-пост хизмати саф бўлинмаси», «Патруль-пост хизматининг аълочи милиционери», «Намунали отряд командири» ва «Намунали гуруҳ командири» номинациялари бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари аниқланди.

– Танловда иштирок этган ҳар бир ходим ўз билим ва малакасини янада бойитди ҳамда тажрибасини оширди, – дейди «Намунали гуруҳ командири» номинацияси ғолиби, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати 1-батальони, 1-отряди гуруҳ командири, кичик сержант Абдулазиз Маҳкамов. – Бу ютуқ менга ва бошқа ғолиб бўлган ҳамкасбларим зиммасига катта масъулият юклайди. Энди биз намунали деган номга муносиб бўлиб, бор билим ва тажрибамизни халқимиз осойишталиги йўлида сарфламоғимиз лозим.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди ва кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

**Анжуманлар**

# ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

***Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар ташкилотининг XXV ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.***

Тадбирда туман ҳокимликлари, бошқармалари, ташкилот ва корхоналарнинг мутасадди вакиллари иштирок этди. Ҳисобот-сайлов тадбирида Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг раиси Умида Муҳамедова 2010-2014 йиллар давомида ташкилот томонидан олиб борилган фаолият, эришилган ютуқ ва муаммолар хусусида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Шунингдек, Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар ташкилотининг молиявий-иқтисодий комиссияси раиси М.Норматова ва мандат комиссияси раиси Х.Қўчқороваларнинг ҳам ҳисобот маърузалари тингланди. Тадбир доирасида ташкилотнинг янги аъзолари сайлаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти беғараз донорликни тарғиб қилиш, она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли қатламига ёрдам кўрсатиш борасида хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ташкилот олиб бораётган ишлар замирида эл тинчлиги ва осойишталиги, меҳр-мурувват сингари инсонийлик ғоялари мужассам.

Ўтган йиллар давомида жамиятнинг бошланғич ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишларига жиддий аҳамият қаратилди, ҳомийларни жалб этишни кучайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

«Энг фаол туман ташкилотчиси», «Энг фаол меҳр-шафқат ҳамшираси», «Энг фаол ёшлар маркази», «Энг фаол журналист» каби кўрик-танловлар ҳам анъанавий равишда уюштириб борилди. Амалга оширилган тизимли ишлар натижасида муҳтож фуқароларга тиббий-ижтимоий, моддий ва маънавий ёрдамлар мунтазам равишда кўрсатилди.

Бу ишларнинг амалга оширилишида Президентимизнинг 1992 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармони ва 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ўзига хос дастуруламал бўлди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан келажакда олиб борилиши лозим бўлган режали ишлар белгилаб олинди. Кўргазмали материалларни тарқатиш, ҳар хил хайрия акцияларини ўтказиш ишларининг мунтазам олиб борилиши ҳам конференция қарорига киритилди.

Тадбир сўнгида сидқидилдан хизмат қилаётган бир гуруҳ жамият аъзолари тақдирланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**«Камолот» лойиҳалари**

# ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

***Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида «Тошкент меҳмондўст шаҳар» фестивали ўтказилди.***

Унда туманда жойлашган барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларимиз урф-одатлари асосида «Хуш келибсиз азиз меҳмон» деб номланган миллий таомлар дастурхони, «Вилоят тарихини ўрганамиз» мавзусида бириктирилган вилоят тарихи ва муқаддас қадамжолар ҳамда зиёратгоҳларга бағишланган махсус ижодий альбом, вилоятнинг миллий либослар кўргазмаси, «Наврўзи олам муборак» мавзусида деворий газеталари билан иштирок этишди.

Фестивалда тумандаги умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари раҳбарлари, корхона ва ташкилотлардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари, фаоллар иштирок этишди.

Туманда жойлашган умумтаълим мактаблари томонидан фестивалда миллий таомлар ҳамда туман «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамда мактаблар қошида ташкил этилган тўгарак аъзолари томонидан яратилган ижодий ишлар кўргазмаси намойиш қилинди. «Баркамол авлод» болалар маркази, ҳаваскор ва эстрада хонандаларининг куй-қўшиқлари янграб, иқтидорли ўқувчи-ёшлар томонидан рақслар ижро этилди.

Фестиваль давомида ташкил этилган «Тошкент меҳмондўст шаҳар» танловида ҳакамлар ҳайъати аъзолари тўртта шарт бўйича жамоаларнинг маҳоратларини одилона баҳолаб боришди.

— Фестивалга коллежимиздаги ёши улуғ тарих ва мусиқа фани ўқитувчиларимиздан маслаҳатлар олган ҳолда тайёргарлик кўрдик ва Хоразм вилоятининг миллий таомлари, урф-одат ва анъаналарини намойиш этдик, — дейди 1-Тошкент педагогика коллежининг 2-босқич ўқувчиси Баҳорой Баҳодирова. — Дастурхонимиздан Хоразм воҳасининг миллий таомлари ўрин олди. Тухум барак таомини шу ернинг ўзида тайёрлаб беришни ҳам ташкил этдик. Фольклор жамоамиз Хоразмнинг миллий куй-қўшиқларини куйлашди. Энг муҳими, бошқа вилоятларнинг урф-одатлари, миллий таомларидан ҳам бохабар бўлдик. Бой маданий меросга эга халқ эканлигимиздан беҳад хурсандман.

Фестиваль якунида 1-Республика тиббиёт, Ю.Ражабий номидаги Тошкент педагогика, 1-Тошкент педагогика ҳамда Тошкент транспорт коллежлари олий ўринни эгаллашди. Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар, 2-Тошкент юридик, Чилонзор матбаа коллежлари, ТДТУ қошидаги Чилонзор академик, С.Х.Сирожиддинов номидаги Чилонзор академик, ТДИУ қошидаги академик лицейларининг жамоалари 1-ўринга лойиқ топилди.

— Мазкур фестивалга қизғин тайёргарлик кўрдик, — дейди Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 1-босқич ўқувчиси Зулайҳо Орипова. — Тошкент шаҳрининг урф-одатларини кўрсатиб, миллий таомларини тайёрлаб, 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик. Курсдошларимиз билан ҳамжиҳатликда қилган ҳаракатларимиз бесамар кетмади.

Жорий йилда фестивалда илк бор тумандаги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Қорақалпоғистон Республикаси, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали Сурхондарё вилояти, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти Фарғона вилоятларининг урф-одат ва анъаналарини намойиш этишди.

— Менга фестиваль дастури жуда ҳам манзур бўлди, — дейди 181-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Умид Игликов. — Наврўз байрами менинг севимли байрамим ҳисобланади. Туманимиздаги 21 та умумтаълим мактаблари «Хуш келибсиз азиз меҳмон» деб номланган миллий таомлар ҳамда «Қадриятлар бешигисан Ватан» мавзуларида деворий газеталар билан иштирок этишди. Синфдошларим ва ўқитувчиларим билан мазкур байрамга катта тайёргарлик кўрдик. Бувижон ва онажонларимизнинг маслаҳатлари билан миллий таомларимиз тайёрланди.

Якунда ғолиб бўлган жамоаларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалар тақдим этилди. Яна бир эътиборли жиҳати, фестиваль доирасида дошқозонда сумалак тайёрланиб, тумандаги Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернат, боқувчисини йўқотган ёлғиз қарияларга улашилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

